

МАТБУОТ БАЕНОТИ

Ўзбекистон билан давлат ривожланишининг юқори самарали лойиҳалари бўйича иккита англашув меморандуми имзоланди

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин ривожланиш ҳамкорлиги доирасида 2021-йилнинг 11-декабрида Тошкентда жамиятни ривожлантиришнинг юқори самарали лойиҳалари деб эътироф этилган иккита лойиҳани амалга ошириш учун таййоргарлик жарайони якунланди ва улар бўйича ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Улар эса Ҳиндистон томонидан тахминан 2.5 млн АҚШ доллари миқдоридаги грант ёрдами асосида амалга ошириладиган "Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази орқали Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология марказида янги маълумотнома лабораториясини яратиш ва жиҳозлаш" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги орқали Сирдарё вилоятидаги 150 та умумтаълим мактабларини компютерлар билан жиҳозлаш" лойиҳаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ўзаро англашув меморандумлари Ҳиндистон элчиси Маниш Прабхат Жаноби Олийлари, вазир ўринбосари Лазиз Қудратов ҳамда Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази ва Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор идоралар вакиллари томонидан имзоланди.

Эслатиб ўтамиз, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида жамиятни ривожлантиришнинг юқори самарали лойиҳалари тўғрисида англашув меморандуми Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари ўртасида 2020 йилнинг 11-декабрь бўлиб ўтган виртуал саммит чоғида имзоланган эди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорлардир. Ҳиндистон Ўзбекистон билан мустаҳкам ривожланиш ҳамкорлигига содиқдир.

Тошкент

11 Декабрь 2021